

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5A510603 - Дориларнинг саноат технологияси магистратура  
мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент

УЗР ОУ  
Буйруқ 137  
6 04 16

## **СҮЗ БОШИ**

### **1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим мини Ривожлантириш маркази;
- Тошкент фармацевтика институти.

### **2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2016 йил «6» апре даги 134-сонли буйруғи.

### **3. ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш хуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

<b>Т/п</b>	<b>бет</b>
<b>1. 5A510603 - Дориларнинг саноат технологияси магистратура мутахассислигининг умумий таснифи .....</b>	<b>4</b>
1.1 Кўлланиш соҳаси .....	4
1.2 5A510603 - Дориларнинг саноат технологияси мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи .....	4
<b>2. 5A510603 - Дориларнинг саноат технологияси мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....</b>	<b>5</b>
2.1 Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....	5
2.2. 5A510603 - Дориларнинг саноат технологияси мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари .....	6
<b>3. 5A510603 - Дориларнинг саноат технологияси магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....</b>	<b>7</b>
3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....	8
3.2. 5A510603 - Дориларнинг саноат технологияси магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми .....	9

## **1. 5A510603 - Дориларнинг саноат технологияси магистратура мутахассислигининг умумий таснифи**

*5A510603 - Дориларнинг саноат технологияси* магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи олий таълимнинг дастури амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлик ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «магистр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўкув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати, ўқиш шакли ва мос малака (даражаси) 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

### **Ўкув режа ва фан дастурининг муддати, ўқиш шакли ва битирувчиларнинг малака(даражаси)**

Ўкув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даражаси)	Ўкув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Мутахассисликнинг ўкув режа ва фан дастурлари	Магистр	2 йил

#### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби *5A510603 - Дориларнинг саноат технологияси* магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш ўкув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси худудидаги олий таълим муассасалари учун мажбурий талаблар мажмуасини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда асосий ўкув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳукуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютукларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўкув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўкув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талabalari;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли

Давлат органлари;

- магистратура мутахассисларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳукуқига эга бўлган бакалаврлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. 5A510603 - Дориларнинг саноат технологияси мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи**

**1.2.1. 5A510603 - Дориларнинг саноат технологияси мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:**

**5A510603 - Дориларнинг саноат технологияси магистратура мутахассислиги** – Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш; Ўзбекистон Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида, “Ўзфармсаноат” ДАК, “Дори-дармон” АҚ, Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида, “Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш” бошқармаларида комплекс масалаларни ечиш.

#### **1.2.2. 5A510603 - Дориларнинг саноат технологияси мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- дори воситалар;
- дори воситалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- дори воситалари учун зарур бўлган бошлангич хом ашё ва материаллар;
- дори воситаларини ишлаб чиқариш технологияси;
- меъёрий хужжатлар;
- дори воситалар сифатини таъминлаш ва сифат назорати усуллари.

#### **1.2.3. Мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- *Илмий –тадқиқот;*
- *Ташкилий-бошқарув;*
- *Олий, малака ошириши ва қайта тайёрлаши таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда);*

*Консалтинг хизмати ва шу кабиларни ўз ичига олади.*

Мутахассислик бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

#### **1.2.4. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

Магистратура битирувчилари магистр академик даражасини олгандан сўнг олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИ ларда катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил-тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттириши мумкин.

## **2. 5A510603 - Дориларнинг саноат технологияси мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

#### **2.1. Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- миллий маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий гоянинг назарий асосларни англашган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” бош гоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий гоялар билан мутаносиблиги ва фаркини билиши;
- табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиши;
- шахснинг инсон, жамият, атроф мұхиттега бўлган мұносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллай олиши;
- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз мехнатини илмий асосда ташкил қила билиши;
- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;

- ўз фаолиятида меъёрий хукуқий ҳужжатлардан фойдалана билиши;
- фикрлаш маданияти, муйян тафаккур услугига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиши;
- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида хорижий тиллардан бирини эгаллаган бўлиши;
- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаши; ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиши;
- бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- интернет тармогидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиши;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндошув шаклланган бўлиши;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш;
- патент олиш учун иш меъёрий ҳужжатлар тайёрлай олиш;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.

## **2.2. 5A510603 - Дориларнинг саноат технологияси мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқотларни ўtkазиш ва янги илмий - амалий натижаларни олиш қобилиятига эга бўлиши;
- илмий, амалий – назарий тадқиқотлар олиб борищ, илмий – назарий гояларни қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш;
- ечилаётган илмий муаммолар ва топширикларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши керак.
- жамиятни тизимли таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиш;
- турли миллат ва элатлар билан фаолият олиб боришда маданий ва комплекс ёндашувни амалга ошириш;
- олиб борилаётган илмий изланишларнинг тадқиқотларида саралаш тизимини шакллантира олиш қобилиятига эга бўлиш;
- жамиятнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатларида фаолият олиб боришда таҳлилий имкониятларни ўзида шакллантириш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- лойиҳаларни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш, лойиҳа командасини бошқариш қобилиятига эга бўлиши;

- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

**Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида педагогик фаолиятда (урнатилган тартибда):**

- олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўкув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини, жумладан ўкув устахоналарида ўtkазиш;

- ўкув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаши;

- замонавий аҳборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўкув машғулотларини ўtkazish;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўtkazish учун зарур бўлган ўкув-методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўtkazish учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;

- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа соҳаларида ўз-ӯзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўкув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш;

- узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари, Давлат талаблари ва бошқа ўкув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

**Консалтинг хизмати фаолиятида:**

- мутахассислик бўйича мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳларини ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

### **3. 5A510603 - Дориларнинг саноат технологияси магистратура мутахассислиги ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

Магистратура мутахассислиги ўкув режаси ва фанлар дастурлари бакалавриат таълим йўналишининг ўкув режаси ва фанлар дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабалар томонидан қўйидаги мажбурий блоклар ўзлаштирилишини назарда тутиши зарур:

умумметодологик фанлар;

мутахассислик фанлари;

илмий фаолият.

Ўкув режа ва фанлар дастурлари мажбурий ўкув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Талабаларнинг ўкув режа ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўкув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Ўкув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишида ОТМ республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиши субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўнималарга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳамда узвийлик ва узлуксизлик тамойилларини ҳисобга олиши керак.

ОТМлар ўкув режа ва фан дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иқтисодиёт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгилаб туриши лозим.

Ўкув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишида ОТМ томонидан битиравчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимиш-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий мухитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўкув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўгаракларда, магистрларнинг илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашиши лозим.

Компетентли ёндашувни амалга ошириш, ўкув жараёни машғулотларини ташкил этишида фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва х.к.) шаклларни ўтказиши, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргалиқда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишининг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллашни назарда тутиши керак.

Фанларнинг ўкув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларининг хукуқлари ва мажбуриятлари билан танишишига, талабалар учун танлов фан (модул, курс) лари мажбурий эканлигини тушунтиши керак.

Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ ўкув режа ва фан дастури ўкув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни қамраб олиши керак.

Магистратура мутахассислиги ўкув режасига мувофик равишида якуний давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясининг ҳимояси билан тугалланиши шарт.

### **3.1. Ўкув режа фанлари блоклари мазмунига кўйиладиган умумий талаблар**

#### **Умумметодологик фанлар блоки:**

миллий истиқлол гоёси ва гуманитар, техник ва табиий фанлар фалсафий масалалар бўйича билимлар берилиши;

инсониятнинг глобал муаммолари, маънавий ҳаёт, жамият ва шахс эҳтиёжлари, таълимнинг инсонпарварлик руҳи; замонавий цивилизация ва унинг тараққиёт йўналишлари, ахборот тизимлари ва билимларни тақдим этиш усуслари тўғрисидаги тасаввурни шакллантириши;

илмий ва илмий-техник ахборот билан ишлаш ўкув ва кўникмаларини шакллантириши, тадқиқ этиладиган мавзулар бўйича мунтазам равишида мустақил таҳлил ва хulosани тайёрлаши;

илмий ижодиёт методологияси, илмий тадқиқотлар асослари, билишнинг умумий усуслари, эмпирик ва назарий тадқиқот усуслари, қонунлар ва қоидалар мантиғи, асослаш ва инкор қилиш усусларига, шунингдек, нутқ маданияти асослари билимларига, педагогик технологиялар, мутахассисликлар бўйича менежмент ва иқтисодиётга доир билимларни таъминлаши;

амалий хорижий тилни, мутахассисликка йўналтирилган ахборот технологиялари ва тизимларини ўзлаштиришни таъминлаши керак.

#### **Мутахассислик фанлари блоки:**

магистратура мутахассислик бўйича назарий ва амалий билимларни, ўкув ва кўникмаларни шакллантириши;

магистратура мутахассислик бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш ва улардан фойдалана олиш кўникмаларини ривожлантириши;

магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш касб

фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндошиш борасидаги илмий билимлар, амалий укув ва кўникмаларни таъминлаши керак;

фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва унда ишлатиладиган хом ашё ва бошлангич материаллар ва асбоб-ускуналарни тўғри танлаши;

саноат миқёсида дори воситалар ва парафармацевтик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш.

**Илмий фаолият:** илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

**Илмий-тадқиқот ишларига бўлган талаблар:**

мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиши;

ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотлар ўtkазиш, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириш, илмий мақолалар тайёрлашга доир билимлар ва кўникмаларни шакллантириши;

талабаларга соҳа фан, техника ва технологиянинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини кўллай билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланиш кўникмасини сингдириши лозим.

**Илмий-педагогик ишлар:**

замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўкув-тарбия ишларининг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши;

ўкув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш укуви ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

**Стажировка:**

Соҳа бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чукурлаштириш;

фан, соҳа ҳамда бошқа тармоқлардаги замонавий техника ва технологиялар билан таништириш;

соҳага тегишли амалий, касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириш;

касбга самарали мослашув имкониятларини таъминлаши лозим.

Бунда стажировкага юборилган магистратура талабаси ўкув жараёни жадвалини индивидуал график асосида бажарилиши кўзда тутилади.

**Танлов фанлари:**

Мутахассислик бўйича фан, иқтисодиёт, техника ва технологияларининг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг маркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

**3.2. 5A510603 - Дориларнинг саноат технологияси магистратура мутахассислиги ўкув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўкув ишларини ўз ичига олган ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 36 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўкув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўкув даври учун ҳафталик ўкув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Магистратура мутахассисликларининг ўкув режалари ва фанлар дастури мазмuni олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошлангич

босқичи сифатида мутахассислик бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни кўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гурухлари учун маъзуза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камидаги 20 фоизи (умумий юклама ҳажмига нисбатан) мустақил таълим тарзидаги ўзлаштирилиши лозим.

Талабаларнинг ўкув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўкув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Магистратура мутахассисларни унинг ўкув режаларига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқишининг норматив муддати 2 йил бўлгандаги ўкув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Назарий таълим ва илмий фаолият	78 ҳафта
Аттестациялар	6 ҳафта
Таътиллар	16 ҳафта
<b>Жами</b>	<b>100 ҳафта</b>

Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

Ўқиши даврининг умумий ҳажми қўйидагида тақсимланиши зарур:

назарий таълим - 25 - 30%;

аттестация - 4 - 7%;

таътиллар - 13 - 16%;

илмий фаолият - 50 - 55%.

Илмий фаолият магистратура талабасининг якка тартибдаги календарь иш режаси асосида амалга оширилади ва қўйидагиларга бўлинади:

илмий тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш-70-75%;

илмий-педагогик иш ва малака амалиёти - 25 - 30%.

Назарий таълим ҳажми магистратура мутахассислигига қараб қўйидаги тарзда фанлар блоклари бўйича тақсимланади:

умумметодологик фанлар - 30 - 35%;

мутахассислик фанлари - 40 - 50%;

танлов фанлари - 13 - 30%.

## **Библиографик маълумотлар**

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

технология, ишлаб чиқариш, биофаол моддалар, синтетик моддалар, яримсинтетик моддалар, фитопрепаратлар, тайёр дори воситалари, жараён, босқич, таҳлил усуллари, стандартлаш, меъёрий хужжат, регламент, валидация, дори воситалари, доривор ўсимликлар, сифат кўрсаткичлари, модуль, парафармация, космецевтика, нутрицевтика, эубиотика, илмий бошқариш, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим  
муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАР:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
хизуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш  
маркази Директор Б.Х. Рахимов  
2016 йил «16» 03  
М.Ү.

Тошкент фармацевтика институти  
Ректор А.Н.Юнусхўжаев  
2016 йил «10» 03  
М.Ү.

**КЕЛИШИЛГАН:**


Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни  
сақлаш вазирлигининг Фан ва ўқув юртлар  
Бош бошқармаси бошлиғи У.С.Исмаилов  
2016 йил «15» 03  
М.Ү.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни  
сақлаш вазирлигининг Дори воситалар ва  
тиббий техника сифатини назорат қилиш  
Бош бошқармаси бошлиғи Х.К.Джалилов  
2016 йил «15» 03  
М.Ү.

«Дори-дармон» АКИНИГ бошқарув раис ўринбосари  
С.И. Асадов  
2016 йил «15» 03  
М.Ү.

“Тасдиқлайман”

“Ўзфармсаноат” ДАК бошқарув  
райси М.М.Дусмуратов



**“Саноат фармацияси” таълим йўналиши бити्रувчиларига кадр  
буортмачи ва истеъмолчилари томонидан қўйиладиган малака талаблари**

“Саноат фармацияси” таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолияти объектларига қараб қуидаги малакаларга эга бўлишлари керак:

1. Фармацевтик бозорда дори воситаларига бўлган талабни ўрганиш, таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш
2. Фармацевтик ишлаб чиқариш ассортиментини талаб ва таклифлар асосида кенгайтириш ишларини ташкил қилиш.
3. Ишлаб чиқариш тузилмасини, биноларни лойиҳалаштириш бўйича бошлангич билимларга эга бўлиш
4. Ишлаб чиқариш жиҳозлари ва аппаратлари, шунингдек жараёнлар валидациясини олиб бориш
5. Амалдаги меъёрий хужжатлар асосида хўжалик-молия ишларини ташкил қилиш ва назоратга олиш
6. Дори воситаларини ишлаб чиқариш ва сифатини баҳолаш бўйича меъёрий хужжатларни тузиш, фойдаланиш ва ўзгартириш киритиш
7. Жаҳон стандартларидан фойдалана олиш ва амалиётга татбиқ этиш
8. “Яхши ишлаб чиқариш амалиёти” қоидаларини амалиётга жорий қилиш
9. Ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, курилмалари, автомат ва ярим автоматлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, уларни жорий таъмирлаш ишларини ташкил қилиш
10. Ходимларни ишга тўғри тақсимлаш, иш жараёнини ташкил қилиш, ходимлар малакасини ошириш ишларини назорат қилиш
11. Технологик жараёнларни билиш ва уларга ахборот тизимларини жорий қилишни ташкил қилиш

12. Ишлаб чиқаришни тизимли ташкил этиш
13. Мутахассислар, ишчи ходимлар орасида сифатни таъминлашга қаратилган тадбирларни ташкил қилиш
14. Ишлаб чиқариш жараёни босқичларида сифатни бошқаришни ташкил қилиш
15. Ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазаси, ёнғинга қарши курашиш ва санитария меъёрларига амал қилиш
16. Ишлаб чиқаришнинг товар ва мол-моддий бойликларини тўғри сақланишини ташкил қилиш
17. Тайёр маҳсулотларнинг сифатини дастлабки ва ёрдамчи моддалар, қадоқловчи воситаларни сақлаш шароитларини уйғунлаштириш асосида ташкил қилиш
18. Янги тур ва номдағи дори воситалари ва парафармацевтик маҳсулотларни ишлаб чиқариш амалиётига татбиқ этиш
19. Дори воситалари ва парафармацевтик маҳсулотларни сифатини назорат қилишнинг янги усул ва услубларини ишлаб чиқиш
20. Ишлаб чиқаришни капитал таъмирлаш, куриш ва реконструкция қилиш ишларини ташкил қилиш.

Илмий истиқбол бўлими бошлиғи

А.А.Тулаганов

Кадрлар ва иш юритиш бўлими бошлиғи

Х.М.Галиева

**Тошкент фармацевтика институтида  
бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура  
мутахассисликларининг Малака талаблари ва ўкув режаларини  
такомиллаштириш бўйича ишчи гурӯҳ мажлис**

**БАЁННОМАСИ**

Тошкент ш.

15 03 2016

**Кун тартиби:** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 11 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топшириги ижроси тўғрисида"ги 66-сонли ҳамда 2016 йил 1 марта даги "Халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилаётган таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишларининг ўкув режалари экспертизасини ташкил этиш тўғрисида"ги 89-сонли буйрукларининг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент фармацевтика институти профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган куйидаги таянч бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари устувор йўналишлари бўйича такомиллаштирилган малака талаблари ва ўкув режаларининг муҳокамаси

**Қатнашдилар:**

**Раис:**

С.У.Алиев

- Ўкув ишлар бўйича проректор

**Раис ўринбосари:**

Ш.З.Умарова

- Ўкув бўлими бошлиги, доцент

**Аъзолар:**

М.М.Дусмуратов

- "Ўзфармсаноат" ДАК бошқаруви раиси

Х.К.Жалилов

- ДВСНКББ раиси, профессор

С.И.Асатов

- "Дори-дармон" АК бошқаруви раисининг ўринбосари

В.Н.Абдуллабекова

- Фармацевтик кимё кафедраси мудири, профессори

Ф.Ф.Ўрмонова

- Фармакогнозия кафедра мудири, профессор

Ё.С.Қориева

- ДТТ кафедраси мудири, доцент

В.Р.Ҳайдаров

- Дори воситалари саноат технологияси кафедра

мудири,доцент

М.Г.Исмоилова

- Биотехнология кафедраси мудири, доцент

С.А.Саидов

- Фармакология ва клиник фармация кафедраси мудири, доцент

**Котиба:**

С.Юлдашева

- Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчisi

**Сўзга чиқди:** С.У.Алиев - Маълумки, хозирда таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишларининг ўкув режалари халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилмоқда. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторини таҳлил қилиш жараённида баъзи таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг номлари ўзгартирилди. Шунинг учун мазкур йўналиш ва мутахассисликлар бўйича янги малака талаблари ва ўкув режалари яратиш зарурияти туғилди. 2015 йил 10 январдаги "Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва кушимчалар киритиш ҳақида"ги 3-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 11 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топшириги ижроси тўғрисида"ги 66-сонли ҳамда 2016 йил 1 марта даги "Халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилаётган таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишларининг ўкув режалари экспертизасини ташкил этиш тўғрисида"ги 89-сонли

буйруқларининг ижросини таъминлаш мақсадида институтнинг ҳамда турдош олий таълим муассасаларининг етакчи мутахассисларини жалб этган ҳолда бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари учун янги Халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилаётган малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш бўйича ишлар амалга оширилди.

Ушбу янгидан яратилган малака талаблари ҳақида йигилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўрайман.

**Эшитилди:** Бакалавриат таълим йўналишлари 5510500 - Фармация (турлари бўйича), 5510600 – Саноат фармация (турлари бўйича), 5111000-Касб таълими (5510500-Фармация (5510500- фармацевтика иши)), 5320500-Биотехнология (фармацевтик биотехнология), 5310901-Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (дори воситалари) Малака талаблари ва уларга тегишли ўқув режалари ҳамда магистратура мутахассисликлари 5A510501 – Фармацевтик кимё ва фармакогнозия, 5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш, 5A510603 – Дориларнинг саноат технологияси, 5A510602 – Иммунобиологик ва микробиологик препаратлар технологияси бўйича ўқув бўлим бошлиги Ш.З.Умарова маълумот берди. Малака талабарини ишлаб чиқишдаги ўзига хос хусусиятлари, кадр истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар ҳақида маълумот берилди. Мухокамада Ф.Ф.Ўрмонова, В.Н.Абдуллабекова, В.Р.Ҳайдаровлар, кадр истеъмолчиларидан М.М.Дусмуротов, Х.К.Жалилов, С.И.Асатовлар иштирок этиб, бакалавриат таълим йўналишлари Малака талабларидаги касбий малакавий талаблар бўлимида албатта касбий фаолият объектлари аниқ кўрсатилиши лозимлиги эътироф этдилар.

**Қарор қилинди:**

